

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2019 йил 1 февраль • № 4 (1233)

Акция

СОҒЛОМ ТУРМУШ ВА САЛОМАТЛИК САРИ ТАШЛАНГАН ЯНГИ ҚАДАМ



Маълумки, инсон саломатлиги, аввало, унинг ўзига боғлиқ. Шундай бўлса-да, бугун мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий маданиятини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, халқимизни тиббиётдан рози қилиш борасида соғлиқни сақлаш тизимида изчил фаолиятлар, аниқ шу мақсадга қаратилган ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида мазкур йўналишдаги навбатдаги лойиҳа – “Соғлом ҳаётга қадам ташла!” оммавий ахборот-профилактика тадбирлар акциясини ўтказишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда соҳанинг етакчи мутасаддилари, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Республика Маҳалла жамғармаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Миллий телерадиокомпания, Матбуот ва ахборот агентлиги каби ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Юсупалиев кириш сўзи билан очиб, акцияни ўтказишдан кўзланган мақсад, лойиҳа доирасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳамда бу жараёнда ҳамкор ташкилотлар иштирокининг аҳамияти, таъсирчан вазибалари хусусида сўз юритди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрда қабул қилинган “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг jismoniy faolligini oshirish chora-tadbirlari tuzgusida”ги қарорида белгиланган вазибалар моҳияти,

(Давоми 2-бетда).

Истеъдод

АНИҚ МАҚСАД, ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ ВА САМАРАЛИ НАТИЖА...

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил қилади. Шу боис, давлатимизда ёшлар сиёсати алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, таълим соҳаси, тиббиёт олий ўқув юртлирида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўқитиш самардорлигини ошириш, тез тараққий этиб бораётган жамият учун баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ҳам иқтидорли талабаларни излаш, уларни аниқ мақсадга йўналтирган дастур асосида ўқитиш, илмий ишларга жалб қилиш, касбий салоҳиятини ошириш борасида мунтазам фаолиятлар амалга оширилмоқда. Айтиш жоизки, талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини мақсадли ташкил этиш ишлари меъёрий ҳужжатлар асосида мувофиқлаштирилмоқда. Албатта, бу каби мақсадлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Талабалар халқаро фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Қолаверса, Ибн Сино, Ислом Каримов номидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларига сазовор бўлишмоқда. Улар орасида 2018/2019 ўқув йили учун ма-

гистратура мутахассисликлари, яъни соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналиши бўйича **Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендианти Жавоҳир Халмухамедов** ҳам бор.

...1992 йил, 27 февраль. Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган Халмухамедовлар оиласида чақалоқ дунёга келди. Оила аъзоларининг хурсандчилиги чексиз, ноёб дур мисоли илмуруни сочсин дея ўғлига Жавоҳир, деб исм қўйишди. Болалик чоғиданоқ унда тиббиётга бўлган қизиқиш тобора ортиб борар эди. Умумтаълим мактабида дарсдан сўнг бувилари стоматолог Доно Халмухамедова ва терапевт Илмира Илясованинг олдида борар, касаллик турлари, беморлар билан мулоқот қилиш жараёни билан бевосита танишар эди. Балки, қаҳрамонимиз



ҳам ибратли ўғитлари билан ҳаёт йўлларида қоқилмасликка ўргатган бувилари сингари шифокор бўлишни дил тубида туггандир.

– Ҳа, бувим, аввало, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсонларга ёрдам қилиш кераклигини таъкидлар эдилар, – дейди **Ўзбеки-**

стон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиб-и Жавоҳир Халмухамедов. (Давоми 6-бетда).